

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК:631.15.:658.14(575.171)**

**ЖАББАРОВ ХАМИДЖОН ХУДАШКУРОВИЧ**

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ИХТИСОСЛАШТИРИШНИ  
ЧУҚУРЛАШТИРИШ**

**08.00.04 - «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти»**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент-2011**

**Диссертация иши Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.**

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Хасанжонов Қобилжон Ахмаджонович.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Абдуллаев Равшан Вахидович;**

иқтисод фанлари номзоди  
**Дусмуратов Ғанибой Давлетбоевич.**

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби, и.ф.д.**

**Ф.И. Мирзаев**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари белгилаб берилди. Ушбу тамойиллардан бири, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги миллий иқтисодиётнинг асоси бўлган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «...қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуида, жумладан экин майдонлари таркибини ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул кўринишга келтириш йўли билан чинакам илғор силжишларга эришиш таркибий ўзгартиришлар сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади»<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришни тақозо қилади. Бироқ, бозор иқтисодиёти шароитида ихтисослаштиришни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тўғридан - тўғри қўллаб бўлмайди. Шунинг учун ихтисослаштиришни амалга оширишда дастлаб фундаментал база яратиш ва шу асосда бозор муносабатлари доирасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришнинг илмий-назарий асослари тизимини ишлаб чиқиш керак. Энг муҳими, ихтисослаштиришни чуқурлаштириш республикамизда аграр соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлайди, унинг келажакдаги тараққиёти ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва ишлаб чиқаришнинг экспорт салоҳиятини оширади, мавсумий ишсизлик муаммоларини ҳал этиш ва аҳолининг реал даромадларини оширишда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «...иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда»<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни диверсификация қилиш, экспорт учун мўлжалланган товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилган муаммоларни ҳал этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг назарий ва амалий асосларини яратиш билан боғлиқ масалалар россиялик иқтисодчи олимлар, В.И.Назаренко,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 269. - б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 48. - б.

А.Г.Папцов, С.А.Горгонов, Н.Т.Назаренко, Ю.Ю.Попов, Н.Я.Коваленко, М.Н.Мальш<sup>3</sup>ларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида эса, ушбу масалалар Қ.А.Хасанжанов, А.В.Вахабов, Р.В.Абдуллаев, Ф.Т.Эгамбердиев, Р.Х.Хусанов, Қ.А.Чориев, Н.С.Хушматов, Т.Х.Фармонов, Э.И.Газиянц, Ҳ.А.Баратов<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш масалалари чуқур тадқиқ этилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришнинг назарий-услубий масалаларини ривожлантириш зарурлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди ва мазкур мавзунинг мустақил тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Давлат илмий-техник дастурининг 1997-1999 йиллардаги 1.6-сонли «Аграр ислохотларни амалга оширишнинг илмий тамойиллари ва уни босқичма-босқич амалиётга жорий этишнинг комплекс тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш» ва 2000-2002 йиллардаги 1.6.6-сонли «АСМда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг илмий асослари» мавзуларида Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Ушбу қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг мавжуд услубларини ўрганиш;

---

<sup>3</sup> Назаренко В.И., Папцов А.Г. Государственное регулирование сельского хозяйства в странах с развитой рыночной экономикой. – М.: Информагробизнес, 1996. - 152 с.; Горгонов С.А., Назаренко Н.Т., Попов Ю.Ю. Основы рыночных отношений в сельском хозяйстве. Воронеж, 1996. - 71 с.; Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. – Москва. 1998. - 59 с.; Мальш М.Н. Аграрная экономика. Санкт-Петербург. 2002. - 318 с.

<sup>4</sup> Хасанжанов К., Фармонов Т. Реформирование сельского хозяйства и формирование нового типа аграрных отношений. Общество и экономика. – Москва, 2008. № 3.-104-112 с.; Вахабов А.В., Эгамбердиев Ф.Т. Трансформация государственной аграрной политики и формирование механизма регулирования сельскохозяйственного производства в регионах // Тошкент, 2001. Вестник. УзМУ. № 2; Абдуллаев Р.В. Перспективы экспорта хлопкового волокна в Узбекистане. // «Сельское хозяйство» Ташкент, 2000. № 6. 8-10 с.; Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. - Т.: Фан. 1992. - 120 с.; Хусанов Р.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва аграр иқтисодиёт. - Т.: Yangi asr avlodi. -2004. -213 б.; Хушматов Н.С. Фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 1994. -21 б.; Муродов Ч.М. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасини ривожлантириш. Авт. и.ф.д. -Т.: 2001. -46 б.; Фарманов Т.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. –Монография.-Т.: Янги аср авлоди, -2004.-143 б.; Баратов Ҳ.А. Турли хўжалик шаклларида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2005. -29 б.

- бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш;

- ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг илғор хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва республика табиий-иқлим шароити, ижтимоий-иқтисодий ҳолат ва аҳоли менталитетидан келиб чиққан ҳолда, ундан республика иқтисодиётида ижобий фойдаланиш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналарининг ихтисослашганлик даражасини ўрганиш;

- ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий самарадорлик ҳолатини баҳолаш ва пировард молиявий натижага салбий таъсир этувчи муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатиш тизимида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва уни ҳал қилишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалик корхоналарида ихтисослаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

**Тадқиқот объекти.** Республикамиз ва Хоразм вилоятидаги қишлоқ хўжалик корхоналари тадқиқотнинг объектини ташкил этади.

**Тадқиқот предмети.** Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришни чуқурлаштириш жараёнларида юзага келадиган ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари:** иқтисодий-математик таҳлиллар, иқтисодий-статистик таҳлиллар, гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, индукция ва дедукция, синтез, абстракт-мантиқий фикрлаш, эксперт баҳолаш, монографик кузатув.

**Тадқиқот гипотезаси:** Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни илмий асосда ташкил этиш ва хўжалик юритиш субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, товар маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини бериши мумкин.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш юзасидан амалий тавсиялар тайёрланди;

- ривожланган давлатлардаги ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришда тармоқлар фаолиятини бирга қўшиб олиб бориш моделидан фойдаланиш тавсия этилди;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлар фаолиятини бирга қўшиб олиб боришда тупроқ балл-бонитети 40 дан (ҳосилдорлик 20 центнердан) паст бўлган ерларга ғўза экинини экмаслик ва бу ерларда ноанъанавий экин турларини, яъни юқори даромад келтирувчи беда, кунгабоқар, масхар, шоли, озика экинлари етиштиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

- экологик вазият ёмонлашиб бораётган ҳудудларда пахта экин майдонларини қисқартириш ва мазкур ерларга ем-хашак экин турларини экиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- шаҳар атрофи ҳудудлари ихтисослашувини амалга оширишда 3-4 хил экинларни алмашлаб экишни йўлга қўйиш, сут-товар маҳсулотига айланиши учун 10-15 бош қорамол бўлиши лозимлиги ҳамда боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг мақбул ўлчамлари 3-5 га бўлиши мақсадга мувофиқлиги асосланди.

#### **Илмий янгилиги:**

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришни чуқурлаштиришнинг зарурияти асосланган ва иқтисодий моҳиятига такомиллашган муаллифлик таърифи берилди;

- қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ихтисослаштиришни амалга оширишга қаратилган омиллар мажмуаси гуруҳланди ва илмий асосланди;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришга таъсир этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда ҳудудларни ихтисослаштириш даражаси аниқланди;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш салоҳиятидан комплекс фойдаланиш асосида ихтисослаштиришни табиий - иқлим шароити ва бозор тамойилларига асосланган самарали механизми асосланди;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий бошқариш механизми ишлаб чиқилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертацияда олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш жараёнларини ташкил этишни фундаментал ва амалий жиҳатларини келажакда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш билан белгиланади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг берилганлиги, унинг механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳукуматнинг мақсадли давлат дастури ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш», «Фермер хўжаликлари иқтисодиёти ва ташкилий асослари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари асосида тайёрланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази (2009 йил 6 апрелдаги 06/03-04-255сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

бозорини шакллантириш муаммолари» (Тошкент, 2004), «Восемнадцатые международные Плехановские чтения» (Москва, 2005) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти бирлашган илмий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.


**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши натижалари ва асосий ғоялари 9 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этиб, 24 та жадвал ва 7 та расмни ўз ичига олади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришнинг шаклланиши ва унинг чуқурлашиб бориши узоқ тарихий жараён ҳисобланиб, у илмий техниканинг тараққий этишига асосланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, табиий-иқтисодий салоҳият ва ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, шарт-шароитларидан унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш - бу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиб, маълум турдаги маҳсулотларни етиштириш ёки ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат бўлиб, ихтисослаштиришни чуқурлаштириш эса, хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиб, унинг ишлаб чиқариш фаолиятини кўпроқ товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтиришдир. Ихтисослаштириш - корхонанинг у ёки бу турдаги ижтимоий товар маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги иштирокини белгилаб беради. Шу тариқа ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришга таъсир этувчи омиллар ижтимоий муносабатларга асосланган бозор иқтисодиёти қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда тизимлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш жиҳатдан ўрганиш асосида уларнинг ўзаро боғлиқлиги асосланди (1-расм).

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга таъсир этувчи омилларни назарий-амалий жиҳатдан ўзаро узвий боғлиқлигини ҳисобга олиш зарур.



1-расм. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришга таъсир этувчи омиллар<sup>5</sup>

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда барча омилларга эътиборни кучайтириш зарур. Фикримизча, бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш масалаларини ҳал этишда биринчи навбатда давлат, иккинчи навбатда эса, хўжалик юритувчи субъектлар тадбиркорлик фаолиятини амалий жиҳатдан намоён этишлари керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришни ва унинг иқтисодий самарадорлигини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий самарадорликни акниқлашда «самара», «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» каби иқтисодий категорияларни ўзаро фарқлаш зарур.

Иқтисодчи олимларнинг «самарадорлик», «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари тўғрисидаги турли иқтисодий қарашларини бозор иқтисодиёти шароитида ўрганиш қатор хулосалар олиш имконини берди.

Бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилиши асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини ихтисослаштириш унинг самарадорлиги оширилишига бевосита таъсир этади.

Умумий ихтисослаштириш самарадорлигини аниқлаш формуласи куйидагича:

$$C_{и} = \frac{\Delta(c + v + m) \text{ ёки } \Delta(v + m)}{\Delta c + \Delta v + \Delta m_a} \quad (1)$$

бунда  $C_{и}$  – ихтисослаштириш самарадорлиги;  $\Delta(c + v + m)$  - ялпи маҳсулот қийматининг ўсиш миқдори;  $\Delta(v + m)$  - ялпи даромаднинг ўсиш миқдори;

$\Delta c$  - моддий ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш миқдори;

$\Delta v$  – ишчи кучига сарфланган харажатларнинг ўсиш миқдори;

$\Delta m_a$  - ишлаб чиқариш фондларини ўстириш учун жамғарилган қўшимча маҳсулот миқдори. Мана шу умумлаштирувчи кўрсаткичда мавжуд ва лойиҳалаштирилаётган ихтисослаштиришнинг реаллиги ўз ифодасини топади.

Шунинг учун диссертацияда ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорликнинг натурал, қиймат ва қўшимча нисбий кўрсаткичлари бир тизимга келтирилган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мақсадга мувофиқ тарзда ихтисослаштиришни чуқурлаштириш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак:

- мамлакат табиий-иқтисодий зоналари ихтисослашувини аниқлаштириб олиш, ушбу минтақаларнинг таркибидан ихтисослашувга эга бўлган туманлар ва микронеоналарни ажратиб олиш;

<sup>6</sup> Оболенский К.П. Теория и практика специализации сельского хозяйства. -М. Колос, 1975. -220 с.

- туманларда алоҳида хўжаликларнинг маҳсулот етиштириш (ишлаб чиқариш) бўйича ихтисослаштирилишини аниқлаш ва шу турдаги маҳсулотларни юқори самара билан ишлаб чиқариш учун кулайроқ шарт-шароитларга эга бўлган бир неча фермер хўжаликлари томонидан туманнинг маҳсулотларни етиштириш бўйича олинган давлат топшириқлари бажарилишига эришиш;

- фермер хўжаликларидаги ички ихтисослашувни амалга ошириш, яъни фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларини унинг алоҳида ишлаб чиқариш бўлинмаларида концентрациялашувини ташкил этиш зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида агросаноат мажмуи тизимини қайта ислоҳ этиш учун хорижий давлатларда шаклланган иш тажрибаларини ўрганиш зарур.

Хорижий давлатларнинг аграр ислохотларни амалга ошириш тажрибаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Қишлоқ хўжалигини бозор муносабатлари шароитида ихтисослашувини ривожлантиришда хорижий давлатлар томонидан қўлланилаётган дотациялар ажратиш тажрибаларидан, яъни Японияда 70%, Европа иттифоқи мамлакатларида 50%, Канадада 40% ва АҚШда 25 фоизни ташкил этаётганлигига эътиборни қаратиш лозим. Илмий - техника тараққиётида қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқлар билан интеграциялашуви деҳқон хўжаликлари кооперацияларини, ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил этиш ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Деҳқонлар оиласи асосида маҳаллий саноат ва деҳқон хўжаликлари кооперацияларини, оилавий фермер, қўшма фермер - деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, фермер хўжаликларини йириклаштиришда, АҚШ тажрибаларига асосланиш ва фермер хўжаликларини оптимал даражада ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш кооперативлари тажрибаларини республикада қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришда ва интенсив ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш ва унда ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш ва ихтисослаштириш жараёнларини ҳар бир иқтисодий минтақанинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

«Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди. Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради»<sup>7</sup>.

---

<sup>7</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 7. -б.

Сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нарх-навосининг муттасил ошиб бораётгани муносабати билан, республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида, «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда ПФ-4041-сонли Фармони эълон қилинди.

Ушбу фармонга асосан, 2010 йилда республикада дон экин майдонлари 51,0 минг гектарга, шоли 13,6 минг гектарга, техник экин майдонлари 100 гектарга қисқартирилган. Шу билан бирга, пахта экин майдонлари эса 16 минг гектарга кўпайган.

Республикадаги ихтисослашган фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари маҳсулот тури ва йиллари бўйича турлича бўлган.

#### 1-жадвал

### Республикада қишлоқ хўжалик экин турлари ва уларнинг майдонлари таркибининг ўзгариш динамикаси, (минг. га)<sup>8</sup>

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2010 й. жами экин майдонига нисбатан, %
1	<b>Жами экин майдони</b>	3556,0	3598,9	3559,8	3728,7	3790,9	100
2	<b>Ғалла экинлари:</b>	1525,8	1541,9	1464,9	1439,7	1428,7	47,3
	буғдой	1439,7	1448,5	1382,8	1373,6	1354,6	75,5
	шоли	52,5	60,6	47,9	33,8	43,5	2,4
	маккажўхори (дон учун)	33,6	32,8	34,2	32,3	30,1	22,1
3	<b>Пахта</b>	1518,4	1478,2	1477,1	1507,2	1423,2	37,5
4	<b>Картошка, сабзавот ва полиз:</b>	221,4	244,4	253,9	264,4	272,2	7,2
	картошка	49,8	52,6	56,0	59,9	62,8	23,1
	сабзавот	137,7	154,4	159,8	162,3	165,4	60,1
	полиз	33,9	37,4	38,1	42,2	44,0	16,8
5	<b>Озиқа экинлари</b>	290,4	296,4	290,3	278,2	302,5	8,0

Бунинг асосий сабабларидан бири экин майдонлари таркибининг ўзгариши ҳамда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражаси, техника ва технологиялардан қай даражада фойдаланиш имкониятларига боғлиқдир. 2010 йилда мамлакатда жами экин майдони 3790,9 минг га.ни

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ташқил этган, шу жумладан, унинг 47,3 фоизини ғалла, 37,5 фоизини пахта экинлари ташқил этган, (1-жадвал).

Озиқа экинларининг салмоғи эса 302,5 минг га.ни ёки 8,0 фоизни ташқил этган. Қишлоқ хўжалиги субъектларида пахтачилик, ғаллачилик ихтисослашувнинг асосий йўналишлари эканлиги асосланди ва республика ҳудудларининг ихтисослашув ҳолати ишлаб чиқилди, (2-жадвал).

2-жадвал

**Республика қишлоқ хўжалик ҳудудларининг ихтисослашув ҳолати (2010 й.)<sup>9</sup>**

Иқтисодий минтақалар	Тармоқлар бўйича ихтисослашув	
	ўсимликчилик	чорвачилик
Қорақалпоғистон Республикаси	Пахтачилик, ғаллачилик, шоличилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, балиқчилик
Андижон	Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, мевачилик, бۆсбўтчилик, картошқачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик
Бухоро	Пахтачилик, ғаллачилик, мевачилик, узумчилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик
Жиззах	Пахтачилик, ғаллачилик, мевачилик, полизчилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, қўйчилик, ўқчилик, йилқиччилик
Қашқадарё	Пахтачилик, ғаллачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, қўйчилик, ўқчилик, ипакчилик
Навоий	Пахтачилик, ғаллачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, туячилик
Наманган	Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, мевачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, ипакчилик
Самарқанд	Пахтачилик, ғаллачилик, узумчилик, сабзавотчилик, мевачилик, картошқачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик
Сурхондарё	Пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, катрошқачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик
Сирдарё	пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, қўйчилик, эчкичилик
Тошкент	Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, ўқчилик, узумчилик, катрошқачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, паррандачилик, балиқчилик, ипакчилик
Фарғона	Пахтачилик, ғаллачилик, мевачилик, сабзавотчилик, картошқачилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, асаларичилик, ипакчилик
Хоразм	Пахтачилик, ғаллачилик, шоличилик	Йирик шохли қорамоллар етиштириш, балиқчилик, паррандачилик

Хоразм вилояти бўйича 2006-2010 йилларда ташқил этилган фермер хўжаликлари ва уларга ажратилган ер майдонларининг ўзгариш динамикасига эътиборни қаратадиган бўлсак, 2006 йили вилоят бўйича 13739 га фермер хўжалиги ташқил этилган, ушбу кўрсаткич 2010 йилга келиб 9620 тани ташқил этиб 30 фоизга камайган, уларга бириктирилган ер майдони эса,

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

шу давр ичида 5,7 маротабага кўпайган, бунинг асосий сабаби фермер хўжаликларини оптималлаштириш ва ширкат хўжаликлари тугатилганлигидир. Хоразм вилоятининг барча туманларида фаолият олиб бораётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер майдонлари бўйича гуруҳлаштириш вилоят ҳудудидаги туманларнинг табиий-иқлим, иқтисодий ва ижтимоий ресурслари, шу жумладан, ер, сув ва меҳнат ресурслари билан таъминланишнинг турличалиги, фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Айти пайтда 71-100 гектаргача ерга эга бўлган пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида бир гектардан олинган пахта ҳосилдорлиги 8,5 фоизга юқори бўлиб, бир тонна пахта ҳосили олиш учун умумий харажатлар миқдори биринчи гуруҳга нисбатан 1,5 фоизга кам бўлган, фойда эса 2,7 маротабага кўп бўлган, (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Хоразм вилоятидаги пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг гуруҳланиши (2010 йил)<sup>10</sup>

№	Фермер хўжаликларида пахта экин майдонининг гуруҳланиши	Фермер хўжалик-лари сони	Ҳосилдорлик, ц/га	Ўртача бир тонна пахтанинг			
				Харажати, млн. сўм	Даромади, млн. сўм	Фойда, млн. сўм	Рентабеллик, (%)
1	10 гача	3410	24,5	333	345	12	3,6
2	11-20 га	2768	25	338	349	11	3,3
3	21-30 га	1687	25,2	340	353	13	3,7
4	31-40 га	201	26	339	351	12	3,6
5	41-50 га	98	26,4	340	356	16	4,7
6	51-60 га	55	26	339	360	21	6,2
7	61-70 га	26	26,5	341	369	28	8,1
8	71-100 га	31	25	337	370	33	9,6
9	101 гадан юқори	15	26,6	338	371	33	9,9
	<b>Жами:</b>	<b>8291</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>

2008 йили вилоятда фермер хўжаликлари сони 18,5 мингга бўлган бўлса, оптималлаштирилгандан сўнг, 9620 минггага тушган ёки 52 фоизга камайган. Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келган ер майдони 13 га дан 25 га. га ошган. Бу эса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер ва сув ресурсларидан интенсив фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги сарф-харажатларни камайтириш

<sup>10</sup> Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

хамда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари янада ортади. 2010 йилда вилоятдаги фермер хўжаликларида ёқилғи - мойлаш материаллари сарфи 2006 йил (ширкат хўжалиги давридаги)га нисбатан 1940 тоннага ёки 153634 минг сўмга камайган. Минерал ўғитлар сарфи 777 тоннага камайган бўлса, унинг қиймати 113582 минг сўмга кўпайган, бунга минерал ўғитлар баҳосининг ошганлиги сабаб бўлган.

Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини интенсив омиллар ҳисобига ривожлантириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ҳам тўхтовсиз оширилиб борилган уни асосан пахтачилик тармоғида кузатиш мумкин. Минерал ўғит етказиб берувчилар сони ҳам икки мартага кўпайган, бир гектар ҳайдаладиган ерга солинадиган ўғит миқдори ҳам 1,5 бараварга кўпайган. Натижада, иктисодий таҳлил даврида пахта ҳосилдорлиги 18,9 ц/га дан 39,0 ц/га гача ошган, буғдой тўрт мартага, сабзавотлар икки мартага, полиз экинлари ҳосилдорлиги 2,6 мартагача кўпайган. Шу билан бирга, қорамоллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги ҳам ортган: 2006 йилга нисбатан ўртача бир бош сигирдан соғилган сут 2010 йилда 2330 кг ташкил этган ёки у икки мартадан кўпроққа ортган. Ўртача йилига бир товукдан тухум олиш 168 донани ташкил этиб бу ҳам ўтган 2006 йилга нисбатан 1,2 мартага кўп бўлган.

Тадқиқот натижалари маълумотларидан кўриниб турибдики, ялпи маҳсулотнинг асосий қисми ўсимликчиликка тўғри келиб, у 2010 йилда 65,4 % ни, чорвачилик маҳсулотлари эса, ўз навбатида 34,6 % ни ташкил қилган. Вилоятда қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш эса, аввало, ернинг таркибини ва табиий - иқлим шарт - шароитларини эътиборга олиш асосида олиб борилиши керак.

Қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи яшаш шароитларини яхшилашда минтақаларнинг экологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда вилоятдаги ҳайдаладиган ерларнинг 75 фоизга яқин қисмини пахта экини эгаллайди, бу эса, тупроқ таркибининг кучли шўрланган ва экологик оғир шароитда бўлган ерларнинг шўрланишини янада кучайтиради.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, ерларда алмашлаб экиш тизимини тўғри йўлга қўймасдан туриб юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин эмас.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда юзага келган муаммоларни ҳал этишда нафақат ташкилий - иктисодий омилларни, балки, табиий - иқлим ва экологик омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг шўрланиш даражаларини камайтириш, агротехнология талабларига риоя қилиш, кўп далали экинлар экиш технологияларини жорий этиш, деҳқончиликни ривожлантириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари билан, шу жумладан, сув ресурслари билан таъминлаш масалалари ҳал этилишини таъминлаш зарур. Ушбу тадбирлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишига кенг кўламда йўл очиб беришни таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларни эътиборга олиш билан бирга, биз, ишлаб чиқаришнинг асосий объекти бўлган ернинг табиий унумдорлигини фақат сақлаб қолишга эмас, балки уни ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш масалаларига эътиборимизни қаратишимиз зарур.

Ана шундай муаммолардан бири - фермер хўжаликлари экин майдонларини ишлаб чиқариш йўналишларига қараб оптималлаштириш, ихтисослаштириш, алмашлаб экиш тизимини жорий этиш ва фермер хўжаликларини тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Республикада пахта ва буғдой ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим тармоғи эканлигини эътиборга олган ҳолда экин майдонлари ҳосилдорлигини ошириш эвазига умумий экин майдонларини алмашлаб экиш тизимига ўтказиш ва ихтисослаштириш учун шарт - шароитлар яратиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, «яна бир устувор йўналиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш даражасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлари, 15 мелиорация станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди»<sup>11</sup> дея қайд этиб ўтган эдилар.

Бу муаммони ҳал этиш учун 2010 йилда 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди<sup>12</sup>.

Истикболда қишлоқ хўжалиги ҳудудларини ихтисослаштириш қуйидаги йўналишлардаги ҳудудлар бўйича шакллантирилиши зарур:

Тошкент иқтисодий вилояти: истикболда Тошкент вилояти қишлоқ хўжалигини аста - секинлик билан республика пойтахти ва саноат марказлари аҳолисининг озик овқат маҳсулотларига бўлган талабларини тўлиқ қондиришга йўналтирилган ҳолда ихтисослаштириш зарур. Тошкент шаҳрига яқин ҳудудларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосан озик-овқат ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган саноат тармоқларини ривожлантириш зарур.

Фарғона иқтисодий вилояти: истикболда бу ҳудуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан кескинроқ ва чекланган шароитда ривожланади. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, ер ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлиб, Андижон ва Фарғона вилоятларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг экстенсив асосида ўсиш имкониятлари деярли

<sup>11</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. 47. -б.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: Ўзбекистон, 2011. 26. - б.

йўқ деса бўлади. Иккинчидан, бу вилоятларда суғориладиган ер майдонлари ва экин майдонларининг жадал суръатларда қисқариб бораётганлигидир.

Жиззах-Сирдарё иқтисодий вилоятлари имкониятлари асосан кўрик ерларни ўзлаштириш ҳисобига шаклланган. Шунинг учун Сирдарё ва Жиззах вилоятлари иқтисодиёти асосан аграр йўналишга эга эканлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини пахтачилик ва полизчилик тармоқларига ихтисослаштириш кўпроқ мос келади.

Марказий иқтисодий вилоят ҳисобланган Самарқанд вилоятининг асосий ихтисослашган тармоқлари: дончилик, тамакичилик, пахтачилик, боғдорчилик ва узумчиликдан иборат.

Бухоро ва Навоий иқтисодий вилоятларининг қишлоқ хўжалик ихтисослашуви ва ривожланиш даражаси ўзига хос бир мунча хусусиятлари билан ажралиб туради. Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши асосан пахтачилик ва қорақўлчилик тармоқларига ихтисослаштирилган.


Жанубий иқтисодий вилоят Сурхондарё ҳисобланади. Бу ҳудуд республика қишлоқ хўжалигида етакчи ўринни эгаллайди. Асосий ихтисослаштирилган тармоқлари пахтачилик, дончилик ва сабзавотчиликдан иборат бўлиб, бу ерда сабзавот, мева ва цитрус меваларининг эртаги навлари ҳам етиштирилади. Ҳудудда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўзини - ўзи тўла таъминлаш учун барча имкониятлар мавжуд.

Қуйи Амударё иқтисодий ҳудуди ҳисобланган, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига нисбатан ўртача республика кўрсаткичларидан анча орқада қолмоқда, (гуручдан ташқари). Республика асосан шолічиликка, пахтачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик тармоқлари сует ривожланган.

Республикамит Президенти таъкидлаганларидек, «Қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга, охир-оқибатда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга қаратилган, биз учун ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган ушбу давлат дастурини бажаришга киришар эканмиз, 2009 йилдаги бош вазифамиз уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишдан иборатдир»<sup>13</sup>.

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. 24. -б.



**3-расм. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг самарали механизми<sup>14</sup>**

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Олиб борилган илмий таҳлиллар асосида республика қишлоқ хўжалигида ҳудудий ихтисослаштиришнинг мезонлари ишлаб чиқарилди, (3-расм).

Республика қишлоқ хўжалигини ҳудудлар бўйича тақсимлашда бир нечта омилларни шаклландириш даражаси асос қилиб олиниши талаб этилади. Шунга асосан 1- ҳудудга анъанавий экинларни етиштиришга нисбатан кам харажат қилиниб, юқори ҳосил олиш учун энг қулай ва самарали ҳисобланган ҳудудлар киритилади. 2- ҳудуд анъанавий ва ноанъанавий экинлар етиштиришга йўналтирилган бўлиб, анъанавий ва ноанъанавий экинлар етиштириш асосий тармоқ сифатида белгиланади, ноанъанавий экинлар эса сув тақчиллигида ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб туриш мақсадида жойлаштирилади. Бундан ташқари, бозордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, энг юқори самара берувчи экинлар ихтиёрий тарзда жойлаштирилиши мумкин. 3-ҳудудга ерлари ўртача ва кучли шўрланган, сурункали сув тақчиллиги юз бераётган ҳудудлар киритилади.

## ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги **илмий хулосалар** ишлаб чиқилди:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга муайян ҳудуднинг ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб, унга таъсир этувчи омиллар аниқланди. Аграр ислохотларнинг чуқурлашуви шароитидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришга ва иқтисодий самарадорлиги оширилишига таъсир этувчи омиллар бир тизимга келтирилди.

2. Ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро гармоник уйғунлиги яратилиши учун аввало, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан комплекс фойдаланиш заруриятини юзага келтиради, чунки, натурал, қиймат ва нисбий кўрсаткичлар иқтисодий самардорликни баҳолашда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашдаги кўрсаткичлар бир тизимга келтирилди.

3. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришнинг АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлардаги тармоқларни бирга қўшиб олиб бориш моделидан фойдаланишни республикамиз фаолиятида қўллаш бўйича амалий тасиялар ишлаб чиқилди.

4. Республика миқёсида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқларни бирга қўшиб олиб боришда, қишлоқ хўжалигидан интенсив фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқлиги асосланди:

- тупроқ балл-бонитети 60 дан (ҳосилдорлик 20 центнердан) паст бўлган ерларга ғўза экинни экмаслик ва бу ерларда ноанъанавий, юқори даромад келтирувчи беда, кунгабоқар, масхар, шоли, озика экинлари етиштириш ҳамда бундай хўжаликларнинг ишлаб чиқаришини чорвачилик тармоғига ихтисослаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш;

- ердан фойдаланиш унумдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган алмашлаб экишнинг илмий асосланган тартибини мунтазам жорий этиш;
- қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришни амалга ошириш ҳисобига ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш интенсификациясининг максимум даражасини таъминлаш;
- кўп тармоқли ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда чорвачилик соҳасини ҳам ривожлантиришга катта аҳамият қаратиш;
- ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига қараб қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва алмашлаб экишни ривожлантириш.

5. Республика вилоятлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш даражаси бўйича 4 та гуруҳга бўлиш зарурлиги таҳлил этилди:

- 1) Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари;
- 2) Тошкент, Самарқанд, Хоразм вилоятлари;
- 3) Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари;
- 4) Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятлари.

Таъкид қилинганда бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида экологик вазиятнинг ёмонлашиб бораётганлиги сабабли, пахта хомашёси етиштиришни 30-35 фоизга қадар қисқартириш мақсадга мувофиқ. Бу ерларга озиқа ва ем-хашак экин турларини экиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳолат тармоқ ихтисослашувини ривожлантирган ҳолда, вилоятларда шолчилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш имконини беради.

2. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолати бир мунча ёмонлашиши, яъни сизот сувлари кўтарилиб, тупроқ унумдорлиги бирданига пасайиши ва охир оқибатда ерларнинг қўшимча шўрланиши содир бўлаётганини ҳисобга олган ҳолда, пахтанинг салмоғини Сирдарёда 40 фоизгача ва Жиззахда 28 фоизгача қисқартириш таклиф этилади. Қисқартирилган ерларда ихтисослаштириш жараёнларини амалга ошириш ҳисобига хўжалик юритишнинг боғдорчилик, узумчилик ва дончилик билан бирга, чорвачилик турини ривожлантириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

3. Хоразм вилоятида ички хўжалик ихтисослашувини амалга оширишда 3-4 хил экин турлари алмашлаб экилишини йўлга қўйиш лозим. Бунда хўжаликларнинг мақсадга мувофиқ ўлчамлари 8-10 га (ҳар бир экинни алмашлаб экиш 1-2 га дан), сабзаёт-чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг мақсадга мувофиқ ўлчамлари 25-30 га бўлиб, сут-товар маҳсулотига айланиши учун 10-15 бош қорамол бўлиши лозим. Боғ ва узумчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг мақбул ўлчамлари 3-5 га бўлиб, боғ учун 1-3 га гача, узум экиладиган майдон 1-2 га бўлиши мақсадга мувофиқ.

4. Қишлоқ хўжалигида ҳудудий ихтисослаштиришнинг самарали механизми қуйидаги мезонларга асосланиб ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши самарали натижалар беради:

Республика қишлоқ хўжалигини ҳудудлар бўйича тақсимлашда бир нечта омилларнинг шаклландирилган даражаси асос қилиб олиниши талаб этилади. Шунга

асосан, 1-худудга анъанавий экинларни етиштиришга нисбатан кам харажат қилиниб, юқори ҳосил олиш учун энг қулай ва самарали ҳисобланган худудлар киритилади. 2-худуд анъанавий ва ноанъанавий экинлар етиштиришга йўналтирилган бўлиб, анъанавий ва ноанъанавий экинлар етиштириш асосий тармоқ сифатида белгиланади, ноанъанавий экинлар эса сув тақчиллигида ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб туриш мақсадида жойлаштирилади. Бундан ташқари бозордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда энг юқори самара берувчи экинлар ихтиёрий тарзда жойлаштирилиши мумкин. 3-худудга ерлари ўртача ва қучли шўрланган, сурункали сув тақчиллиги юз бераётган худудлар киритилади.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Жаббаров Х.Х. Деҳқон хўжаликларини ихтисослаштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2004. -№ 9. –Б. 10-11.

2. Жаббаров Х.Х. Ихтисослаштириш - фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг асосий омили // Иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорини шакллантириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция. –Тошкент, 2004. -Б.128-130.

3. Жаббаров Х.Х. Ихтисослашган хўжаликлар самараси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2004. -№12. –Б. 22.

4. Жаббаров Х.Х. Углубление специализации в сельскохозяйственном производстве // Восемнадцатые международные Плехановские чтения. Международная научно-практическая конференция. - Москва. 2005. – С. 303-304.

5. Жаббаров Х.Х. Рақобат сифатга ундайди // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2005. -№10. –Б. 6.

6. Жаббаров Х.Х. Ихтисослаштириш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2006. -№5. –Б. 9.

7. Жаббаров Х.Х. Худудий ихтисослаштиришни чуқурлаштириш // Аграр иқтисодий тармоқларда кооперация жараёнини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари мавзусидаги илмий-амалий конференция. –Тошкент, 2008. -Б.130-131.

8. Жаббаров Х.Х. Ихтисослаштириш - давр талаби // Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик тармоғини иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий конференция. –Тошкент, 2009. -Б.115-117.

9. Хасанжонов Қ.А., Жаббаров Х.Х. Иқтисодий модернизация қилиш шароитида ихтисослаштиришнинг роли // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аграр тармоқ рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари мавзусидаги илмий-амалий конференция. –Тошкент, 2011. -Б.100-101.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жаббаров Хамиджон Худашкуровичнинг 08.00.04 - «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш» мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** бозор иқтисодиёти, қишлоқ хўжалик корхоналари, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, асосий тармоқ, тупроқ унумдорлиги, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, рақобат, фойда, талаб ва таклиф, рентабеллик.

**Тадқиқот объектлари:** республикамиздаги ва Хоразм вилоятидаги қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этади.

**Ишнинг мақсади:** бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** иқтисодий-математик таҳлиллар, иқтисодий-статистик таҳлиллар, гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, индукция ва дедукция, синтез, абстракт-мантикий фикрлаш, эксперт баҳолаш ва монографик кузатув.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари назарий жиҳатдан асосланган ва унга таъсир этувчи омиллар таснифланган; товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий рағбатлантириш ва маҳсулотни сотиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган; ихтисослашган хўжаликларни ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар тайёрланган; ихтисослашган хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсияларидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш борасидаги илмий қарашлар, ғоялар ва фикрлар янада бойитилишида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштиришни чуқурлаштириш бўйича давлатнинг мақсадли дастури ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг илмий натижалари Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази (№ 06/03-04-255 06.04.09 й.) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва тадбиркорлик», «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш», «Фермер хўжаликлари иқтисодиёти ва ташкилий асослари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

**диссертации Жаббарова Хамиджана Худашкуровича на тему: «Углубление специализации в сельскохозяйственном производстве в условиях рыночной экономики» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – «Экономика агропромышленного комплекса»**

**Ключевые слова:** рыночная экономика, сельскохозяйственные предприятия, специализация производства, основная отрасль, плодородность почв, ширкаты, фермерские и дехканские хозяйства, конкуренция, прибыль, спрос и предложение, рентабельность.

**Объекты исследования:** объектом исследования являются сельскохозяйственные предприятия республики и Хорезмской области.

**Цель работы:** разработать научные предложения и практические рекомендации, направленных к углублению специализации сельскохозяйственного производства в условиях рыночной экономики.

**Методы исследования:** экономико-математический анализ, экономико-статистический анализ, классификация и сравнительный анализ, индукция и дедукция, синтез, абстрактно-логическое мышление, экспертная оценка и монографическое исследование.

**Полученные результаты и их новизна:** теоретически обоснованы специфические особенности и классифицированы факторы, влияющие на специализацию сельскохозяйственных производств в условиях многоукладной экономики; научно разработаны предложения по повышению материальной заинтересованности производителей товарной продукции; подготовлены рекомендации по повышению эффективности использования ресурсов и совершенствованию системы обеспечения специализированных хозяйств производственными ресурсами; разработаны научно-обоснованные предложения и рекомендации по совершенствованию механизма государственной поддержки специализированных сельскохозяйственных хозяйств.

**Практическая значимость:** научные предложения и практические рекомендации диссертационной работы могут быть использованы для содержательного обогащения научных идей и взглядов в части специализации сельскохозяйственных производств, и при разработке целевых государственных программ по углублению специализации сельскохозяйственных производств.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты научной работы приняты для внедрения в практику Сельскохозяйственным научно-производственным центром Республики Узбекистан (№ 06/03-04-255 от 06.04.09 г.). Материалы диссертации могут быть использованы в высших учебных заведениях при совершенствовании учебных программ курсов «Малый бизнес и предпринимательство», «Организация производства в сельском хозяйстве», «Экономика и организационные основы фермерских хозяйств» и в процессе преподавания.

**Область применения:** Министерство сельского и водного хозяйства, высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Jabbarov Hamidjan Khudashkurovich on scientific degree of the candidate of economic sciences, speciality 08.00.04 – «Economy of Agro-Industrial Complex(AIC)», subject: « The Deepening of Specialization in Agricultural Production in the Context of Market Economy »**

**Key words:** market economy, agricultural enterprises, specialization of production, primary industry, soil fertility, shirkat, dekhkan, and farming enterprises, competition, profit, demand and supply, profitability.

**Subjects of research:** Agricultural enterprises in the Republic and Khorezm Province in particular are the subject of research.

**Purpose of work:** The research aims to provide scientific proposals and practical recommendations for the development of legal, economic, and organizational mechanisms to deepen specialization of agricultural production in the context of market economy.

**Methods of research:** The methods of research include economic and mathematical analyses, economics and statistics analyses, classification and comparative analyses, induction and deduction, synthesis, abstract and logical thinking, expert appraisal, and monographic research.

**The results obtained and their novelty:** The thesis theoretically justifies specifics of specialization of agriculture under the conditions of multi-sectoral economy and classifies its influencing factors; develops scientifically grounded recommendations to increase economic incentives and to improve the system of realization of goods for producers of agricultural commodities; scientifically proved to increase material motivation of product producers; recommends improvement of the mechanism of ensuring specialized agricultural enterprises with production resources and increasing effectiveness of their use; works out scientifically grounded suggestions and recommendations with the view of improving the mechanism of government assistance of specialized agricultural enterprises.

**Practical value:** the developed scientific conclusions and practical recommendations of the research can be used for substantial enrichment of scientific ideas and views regarding specialization of agricultural production and for developing target government programs on perfection the deepening of specialization of agricultural production.

**Degree of embed and economic effectivity:** conclusions of the research are accepted for introduction by the Agricultural Scientific and Production Center of the Republic of Uzbekistan (№ 06/03-04-255 from 06.04.09 y.), as well as they can be used in higher educational institutions and professional colleges in an agrarian direction at perfection of curriculums on subjects «Small business and entrepreneurship», «Organization of production in agriculture», «Economy and organizational bases of farms».

**Field of application:** Ministry of Agriculture and Water Resources, research institutes, and higher educational institutions.

**Тадқиқотчи:**